



“МЕН ШОИРМАН, ИСТАСАНГИЗ ШУ” ...

Абдузоҳидова Дилдора Абдунаби қизи

*Ўзбекистон давлат хореография академияси “Санъатшунослик” йўналиши 3
босқич талабаси*

Аннататсия: *Мазкур мақола Ўзбекистон Қаҳрамони, Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижоди умр йўллари ҳақида ёзилган. Абдулла Ориповнинг ҳаёти ҳақида олинган ҳужжатли фильм тўғрисидаги маълумотлар ёритилиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Ўзбекистон, Ватан, шоир, шеър, шеъроят, фильм, санъаткор, китобхон, адабиёт, ижро.*

Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун —
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри,
Бир ўлка бор дунёда, бироқ
Битилмаган дostonдир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.
Абдулла Орипов

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидасидаги ушбу сатрларини фахр ва ғурур билан ўқиган пайтимда юрагимда ўз ватанининг таърифини сатрларида бутун дунёга ёйишга интилган ва она юртини онаси ва отаси каби суйиб, асрайдиган ҳақиқий юрт фарзанди кўз олдимга келади.

Абдулла Орипов – улуғ сўз санъаткори, туйғулар кашфиётчиси. Шоирни шундай таърифлагим келади. Шоир 1941 йил 21 мартда Қашқадарё вилоятининг Косон тумани Неқўз қишлоғида дунёга келган шоир ўзбек шеъриятига Қашқадарё инсонларининг жўшқин меҳрини олиб киргандек. Шоир ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” сингари жўшқин ва фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлари шеърхонни ҳам жўшқин фикрлашга, теран мушоҳадаларга, лирик кайфиятга ошно қилади. Шоирнинг талабалик йилларида ёзган шеърларидан иборат бўлган “Митти юлдуз” (1965) илк шеърлар тўпламининг нашр этилиши эса, шеъроят осмонида чарақлаган яна бир юлдуз нур сочаётганидан дарак берган эди. Шоирнинг кейинги нашр қилинган “Кўзларим йўлингда” (1966), “Онажон” (1969), “Руҳим”, “Ўзбекистон”



(1971), “Хотирот”, “Юртим шамоли” (1974), “Юзма-юз”, “Ҳайрат” (1979), “Нажот қалъаси” (1981), “Йиллар армони” (1983), “Ҳаж дафтари”, “Муножот” (1992), “Сайланма” (1996), “Дунё” (1999), “Шоир юраги” (2003) сингари шеърӣ китоблари ўзбек адабиётининг дурдона асарлари қаторидан жой олган.

Абдулла Орипов деярли, барча шеърларида ўзбек халқининг бошига оғир мусибатлар тушган даврлардаги, қолаверса, иккинчи жаҳон уруши давридаги зулматли кунларни тасвирласада, ҳар бир ўқиган китобхоннинг қалбида, ҳам изтироб, ҳам умиду ишончнинг чўғларини учқунлантиради. Яшаш қандай оғир кечгани, бошидан ўтказганларининг барини қоғозга туширсада, халқ у шеърларни барини ҳам ўқиб кўра олмади. Ҳаёти давомида қанчадан-қанча йўқотишларни бошидан кечиргани, шоир шеърларининг юракни ўртайдиган даражада китобхон қалбини дардга ошно этади. Шоир ижоди ҳақида гап кетганда ҳар бир шеърдаги руҳий ҳолатларни таърифлаб ўтишимиз мумкин.

Тингланг, бу абадий садо бўлади,
Гадонинг душмани -- гадо бўлади.
Иккиси бир-бирин тугатгунча то,
Ўртада бу дунё адо бўлади.
Ва ёки,
Замин айланади, чиқади қуёш,
Ҳаргиз кибр билан кўтармагин бош.
Оёқ остингдаги ҳарсангни тепма,
Балки ҳайкал бўлар сенга ўша тош,

--каби рубойилари гарчи насихатомуз тарзда ёзилган бўлса-да, шеърхоннинг қалбини ва руҳини ўйғотадиган, тарбиялайдиган бир навога йўғрилган.

Абдулла Орипов ижодида оналарнинг қадрини, тимсолини фалсафий оҳангда куйлаш юқори даражага чиққан.

Бир умр ахтардим самимиятни,
Ва уни оналар кўзида кўрдим.
Заминда кимгадир топинмоқчийдим,
Уни ҳам онанинг ўзида кўрдим,

дея, шоир оналарнинг буюк сиймосида миллатнинг ор-номуси, жасорати, матонати ва садоқати мужассамлигини намоён қиладиган қудрат борлигига ишора қилаётгани яққол кўриниб турибди.

Қолаверса, шоирнинг орадан йиллар ўтиб, мустақил бўлган она Ватанимиз -- Ўзбекистоннинг мадҳиясини ҳам яратгани, бугунги кунда ҳар биримизнинг



қалбимизда ушбу мадҳиядан жой олган сатрлар тирик яшаётгани шоирнинг ижоди барҳаёт эканлигини кўртасатади.

“Шериятда кутилмаган нафас пайдо бўлди. Томчини кузатган бўлсангиз, тўлишгандан кейин томади. Абдуллажоннинг шеърлари ҳам ана шундай. Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади. Ана ундан сўнг қоғозга тушади”- дея Абдулла Қаҳҳор ҳам буюк шоир ижодига юксак таъриф берган эди. Бугунги кунда Абдулла Ориповнинг хотирасига бағишлаб, шогирдлари, мухлислари, қадрдонлари гўзал шеърлар, марсиялар, мухаммаслар ёзишган. Унинг ижоди ҳақида мақолалар, илмий тадқиқотлар, тақризларнинг сон-саногии йўқ. 30 август куни “Ўзбекфильм” студияси томонидан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тайёрланган “Абдулла Орипов” бадиий фильмининг тақдимотида қатнашдим. Тақдимот “Киночилар уйи”да бўлиб ўтди. Ушбу бадиий фильмда Абдулла Ориповнинг ниҳоятда ноёб истеъдод эканлиги истеъдодли актёрлар қаторида, шоирнинг йигитлик пайтини ижро қилган ёш шоир Шодмонқул Саломов томонидан қилинган ижрода намоён бўлган. Абдулла Ориповнинг ёшлик йилларини ва кексалиқдаги кечинмаларини янги актёрлар очиб беришга ҳаракат қилишган. Шоирнинг ниҳоятда қарама-қаршиликларга тўла ҳаётда, қийналсада, истеъдоди ва матонати билан ўз халқининг, Ватанининг, инсониятнинг дардини “мен шоирман истасангиз шу” дея куйлагани ёшларимизга ўз ҳаёт йўлларидаги тўсиқларни енгиб ўтишларига адабиётга, илмга бўлган меҳрининг ошишига ёрқин маёқ бўлиб хизмат қилади. Фильмни томоша қилиш жараёнида мухлисларнинг баъзилари қайғули, баъзилари ҳаяжонли, баъзилари эса ҳайратланган кайфиятда томшо қилишди. Мен ҳам фильмни томоша қилар эканман, Абдулла Орипов фақатгина фарзандларига меҳрибон ота, шогирдларига суянчиқ устоз, ўз она ватанига севимли фарзанд бўлибгина эмас, балки ўзбек миллатининг буюк шоири, файласуф олим, етук шахс сифатида менинг тасаввуримда янгидан-янги таъсуротлар уйғотди. Хулоса ўрнида шуни айтиш жойизки, Абдулла Ориповнинг ижодий асарлари ёш авлодга тарбиявий ахамияти шундаки, шоирнинг шеърлари ёшларга истеъдодини юксалтиришга, зеҳнини янада ўткирлаштиришга катта замин яратади. Бугунги кунда Абдулла Ориповнинг ижодини 7 йошдан 70 ёшгача бўлган барча шахслар юқори даражада баҳолайди. Сабаби, ижодидаги мазмун-моҳият юқори савиядаги мавзулар, китобхонларга катта мактаб тажрибасини ўтабгина қолмай миллий руҳдаги мазмунга бой шеърларни ўз ичига жамлайди. Келажак авлодни янада ватанга бўлган муҳаббатини оширади. Ҳар бир ёш авлодни ватанпарварлик туйғусида тарбиялаш учун Абдулла Ориповнинг ижодини ўқиши керак деб ўйлайман. Шундагина бизнинг ёшларимиз янада миллий руҳда тарбия топади. Бунинг учун оиладан бошлаб, китобга бўлган меҳрни уйғотиш лозим.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Орипов. “Ўзбекистоним” Тошкент “Адабиёт” 2021.141-142-бетлар.
2. А. Орипов: “Замондошлари хотирасида” Тошкент 2021.11-бет.
3. А. Орипов “Шоирнинг туғилиши” Тошкент “Адабиёт” 2021.6- бет.
4. А. Орипов. “Адолат кўзгуси” Тошкент “Адолат”. 2005.